



ПРИНЦИП АТАМАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКЧА МУҚОБИЛЛАРИ ХУСУСИДА

Бахтиёр Данияров

Тошкент давлат аграр университети
ўзбек тили ва адабиёти кафедраси
профессори, филология фанлари
доктори

Аннотация. Уибуба мақолада ўзбек тилишунослигининг совет ва постсовет даврларидағи баҳсли ва мунозарали долзарб муаммоларидан бири – русча-байналмонал ўзлашмалар ва уларнинг ўзбекча муқобилларини ҳозирги ўзбек адабий тилида тасниф қилиш, тартибга солиш ва нутқда тұғри құллашы масалалари замонавий комплекс методика асосида таҳлил қилиниб, уларнинг ечими бүйіча аник тавсиялар берилген.

Калит сўзлар: Контекстуал-функционал таҳлил, замонавий комплекс таҳлил методикаси, лексик синонимларининг тадқиқи, лугавий бирлікларнинг семантик тузилиши, миллий-маданий ўзига хослик, тутум – соф ўзбекча сўз, принцип атамасининг ўзбекчаси тамойил эмас, тамойил – тенденция сўзининг ўзбекчаси.

Аннотация. Автором данной статьи делается попытка рассмотреть с современных позиций одну из спорных и дискуссионных проблем узбекского языкоznания как советского, так и постсоветского периодов – проблему квалификации, упорядочения и употребления в современном узбекском языке русско-интернациональных лексических заимствований и их узбекских эквивалентов.

Ключевые слова: контекстно-функциональный анализ, современная комплексная методика исследования, исследование лексической синонимии, семантическая структура лексических единиц, национально-культурное своеобразие, собственно узбекское слово тутум, слово тамойил заимствовано из арабского языка, тамойил – это не термин принцип, тамойил – это тенденция.

Abstract. The author of this article makes an attempt to consider from a modern perspective one of the controversial and debatable problems of Uzbek linguistics of both the Soviet and post-Soviet periods - the problem of qualification, ordering and use of Russian-international lexical borrowings and their Uzbek equivalents in the modern Uzbek language.

Key words: contextual-functional analysis, modern comprehensive research methodology, study of lexical synonymy, semantic structure of lexical units, national-cultural originality, the actual Uzbek word tutum, the word tamoyil is borrowed from the Arabic language, tamoyil is not a term principle, tamoyil is a tendency.

Жамият қанчалик ривожланиб борса, унинг тилга онгли равища муносабати ҳам шунчалик кучайиб боради. Айниқса, глобал тармоқ – интернетнинг ихтиро қилиниши, замонавий компьютерлар, смартфонлар ва бошқа турли хил замонавий қурилмаларнинг жорий этилиши, рақамли





технологияларнинг шиддат билан ривожланиши зиёли инсонларнинг, хусусан, сўз усталари, қалам соҳиблари, жумладан, адиблар, тилшунос олимлар, журналистларнинг ўз тилининг ривожланиш жараёнига ҳисса қўшиш истагини ошириб, уларнинг ушбу тил тараққиёти жараёнига баъзан объектив, баъзан субъектив фикр-мулоҳазалар билан “онгли аралашуви”га олиб келади [1;171].

Лексика, семасиология соҳасида олиб борилаётган тадқиқот натижалари сўзнинг лексик-семантик тузилишида янги компонентларнинг (маъно нозикликлари, фарқловчи хусусиятлар, оттенкалар) пайдо бўлишида сўз усталари, ўз тилининг фидойи жонқуярлари, қалам ахли, жумладан, истеъодли адиблар, талантли ва тезкор журналистларнинг ҳиссаси ва ўрнининг аҳамиятини аниқлашга имкон беради. Табиатан ҳақиқий истеъодод соҳиблари бўлган бу инсонлар она тилининг табиати ва ўзига хос хусусиятларини ич-ичдан (интуитив) ҳис қилиб, англаган ҳолда борлиқни сўзлар воситасида аниқ ифодалаб беришга интиладилар ва сўзларнинг маъно тузилмасида янги ноёб семалар (маъно ва маъно нозикликлари)нинг шаклланиш жараёнига ўзларининг ижодий фаолиятлари билан сермаҳсул ҳисса қўшадилар [2;89]. Тадқиқотчи, тилшунос олимларнинг вазифаси лексик-семантик маънонинг шу янги компонентларини илмий асосда аниқлаб, ҳаммабоп луғатларга киритилишига баҳоли қудрат ёрдам кўрсатишдан иборат [3;4].

Масалан, турфа хил маъно нозикликлари билан доктор, врач каби маънодошларидан яққол ажралиб турадиган шифокор сўзининг ilk бор ўзбек тили тизимида ҳосил бўлишида қалам соҳиблари, хусусан, журналистларнинг хизмати бекиёс. Миллийлик бўёқларига бурканган, ажиб ноёб маъно нозикликларига эга шифокор сўзи алоҳида, монографик ҳажмдаги илмий тадқиқотга муносибdir [5; 57].

Аммо, айтиб ўтиш жоизки, оммавий ахборот воситаларида айрим ҳолларда сўз ва атамалар ҳар доим ҳам тўғри қўлланмайди. Масалан, *принцип* сўзи ўрнида *тамойил* сўзининг қўлланишини у қадар асосли деб бўлмайди. *Принцип* атамасининг ўзбекчаси *тамойил* эмас. *Тамойил* араб тилидан ўзбек тилига XI-XV асрларда ўзлашган бўлиб, рус тилидан ўтган асрда ўзлашган *тенденция* сўзининг маъносига яқин тушунчани англашиб келган.

Принцип байналминал сўзига беш томли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (қисқacha: ЎТИЛ)да шундай изоҳ берилган: «ПРИНЦИП 1 Бирор назария,





таълимот, дунёқараш ва ш. к. нинг дастлабки, асосий қонун-қоидаси; фаолият учун асос қилиб олинадиган бош ғоя, қонун-қоиди. Қонунларимизда сайлов *принциплари* тўла ва аниқ акс этиши зарур. «Фан ва турмуш». Қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий *принципидир*. Газетадан... 2 Хулқ-атвор, хатти-ҳаракат меъёрларини белгилайдиган, киши оғишмай амал қиладиган ички ишонч, нуқтаи назар, қараш, маслак. *Принципи йўқ одам. Принцип юзасидан иш тутмоқ*» [ЎТИЛ, III, 309].

Тамойил сўзи ушбу «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да китобий сўз сифатида қуйидагича изоҳланган: «ТАМОЙИЛ 1 Майл. мойиллик. Ваҳшӣ халқларда қонхӯрликка *тамойил* зўр бўлади. Бу – шубҳасиз ҳақиқат! Ойбек, Танланган асарлар. 2 Бирор соҳада тартиб, қоида тусини олган нарса, *тадрижий йўналиши* (таъкид бизники – Б.Д.). Халқ афсоналарида *реалистик* *тамойил* шу тарзда тобора кучайиб борди. «Фан ва турмуш». ...бозорларимизда ўша азалий удумларимизни, *тамойилларимизни* тиклаш, бозорни миллий қадриятларимизнинг кўзгуси сифатида намоён қилиш лозим. Газетадан» [ЎТИЛ, III, 655]. Ушбу беш томли Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *тамойил* сўзини эскирган услубий белгиси билан берилиши у қадар тўғри эмас.

Хатто собиқ совет тузумида чоп этилган “Ўзбекча – русча луғат” (қисқача: ЎРЛ)да *тамойил* сўзига қуйидагича изоҳ берилган:

“ТАМОЙИЛ книжн. склонность, уклон; направление, тенденция.” [ЎРЛ, 417].

Тенденция сўзи эса ўзбек тилининг мазкур беш томли луғатида қуйидагича изоҳланган:

«ТЕНДЕНЦИЯ 1 *Тараққиёт йўналиши*; бирор нарсага қизиқиши, мойиллик, интилиш. 2 Маълум ўй-мулоҳаза, тасвир ёки асарнинг асосий мазмуни, ғояси. Маълумки, 60-70-йиллар давомида тарихий киноленталар яратиш соҳасидаги ижодий *тенденциялар* янада ривожлантирилди. С.Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари. Бундай асарларга қизиқишининг сири эса, менимча, турмушдаги илғор *тенденцияларни* замонга, кишилар талабларига ҳамоҳанг... бўладиган томонларини топиб, танлаб, саралаб олиб ёзиш билан боғлиқ. Н.Сафаров, Жасоратнинг давоми» [ЎТИЛ, IV, 65].

Кўринадики, *тамойил* сўзининг луғавий маъноси *принцип* сўзидан тубдан фарқ қилиб, айнан *тенденция* сўзи англатадиган маънога яқин.





Принцип сўзини *тамоийл* билан алмаштиришга бўлган “ўжар” ҳаракатлар рус тилидан ўзлашганлиги яққол сезилиб турган *тенденциянинг* ўзбек нутқида яна ғализ, нотабиий тарзда фаол қўлланишига олиб келмоқда, айрим матнларда эса *тамоийлнинг* қайси маънода (принцип маъносидами ёки тенденция?) қўлланганлиги ноаниқ бўлиб қолмоқда:

“Ли Куан Юни айрим эксперталар “У фақат ўз мамлакатини ўзгартириди”, деб айтса, баъзилари “Осиёни”, учинчи одамлар эса “Бутун дунёни ўзгартирган”, дейди... Бинобарин у яратган *тенденция* ноёб ҳодиса, феномен ҳисобланиб, “Сингапур мўъжизаси” деб аталади ва башарият ривожига ўзига хос таъсир ўтказган. Умуман олганда, Ли Куан Ю буларнинг барчасини бирлаштирган ҳолда Сингапурнинг ютуғини ушбу *тамоийллар* асосида амалга ошириди: уни яшаш ва ишлаш учун энг хавфсиз ҳудудга айлантириди.”

Газетадан олинган ушбу матнда *тамоийл* *принцип* маъносини англатаяптими ёки *тенденция* маъносиними ноаниқ бўлиб қолган.

Тамоийл *принцип* маъносини айнан англата олмаслиги сабабли ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатларида *принцип* атамаси қолдирилган, *тамоийл* билан алмаштирилмаган. Масалан: *Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинниши принципига асосланади* (11-модда).

Принцип сўзи асосида ясалган бир қатор сўзларни *тамоийл* сўзи орқали ифодалаб бўлмайди. Мазкур сўзлар «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да ҳам келтирилган:

ПРИНЦИПИАЛ Принципдан келиб чиқадиган, муҳим, жиддий. Принципial қарама-қаришлиқ. Принципial масала. Жаҳондаги ҳозирги вазиятга икки принципial ҳолат хосдир. Газетадан. 2 қ. принципли. Принципial одам. **ПРИНЦИПИАЛЛИК** 1. Принципial ҳолатга хослик, муҳимлик, жиддийлик. Масаланинг принципialлиги. 2. Ишда ўз принципини изчиллик билан амалга ошириш, бир принципда маҳкам туриш. Раҳбарнинг принципialлиги.

ПРИНЦИПЛИ Принципга қаттиқ риоя қиласидиган, бир принципда маҳкам турадиган. Принципли олим. **ПРИНЦИПСИЗ** Бир фикрда маҳкам тура олмайдиган; бурди йўқ, бебурд. Принципсиз киши [ЎТИЛ, III, 309].





Кайд этилган ушбу (принцип, принципиаллик, принципли, принципсиз) сўзлар англаётган маъно ва маъно нозикларини бугунги кунда *тамойил* сўзи билан ифодалаб бўлмайди.

Гап ўзбек тилида мазкур тушунчани айнан ифодалай оладиган бирлик йўқлигига эмас, тилимизда *принцип* маъносига бемалол қўллаш мумкин бўлган сўзлар бир қатор, масалан *тутум*, *тутруқ* (тутурук), *субут*, *бурд* кабилар. Бу сўзлар *принцип* ўрнида оммавий ахборот воситаларида *тамойил* каби қўп қўлланилганда уларнинг ҳар бири тамойил сўзига нисбатан *принцип* атамасининг маъносини қулайроқ ва тўлароқ ифода этган бўлар эди.

Гап сўзниң мазмунан ўз мутаносибига эга ёки эга эмаслигига. Масалан, *принцип* сўзи ўрнида *тутум* сўзини ишлатиш мумкин: *принципиал* – *тутуми қаттиқ* (қадим ўзбекча сўз ясашдан фойдаланиб, қаттиқтутум кўшма сўзини ҳам ишлатса бўлади), *принципиаллик* – қаттиқтутумлик, қатъий *тутумлик*, *принципли* – *тутумли*, *принципсиз* – *тутумсиз*.

Яна қиёсланг: *Принципли* – *тутумли*, *принципиага* қатъий риоя қиладиган – *тутумига* қатъий риоя қиладиган, бир *принципда* маҳкам турадиган – бир *тутумда* маҳкам турадиган. *Принципли* олим – *тутумли* олим. *Принципиал* масала – қаттиқ *тутумли* масала; *принцип* одам – *маҳкам тутумли* ёки *қатъий тутумли* одам.

Принцип сўзи ўзбек тилига тўлиқ, табиий равишда, ўзбек тили қонун-коидаларига мувофиқ ўзлашган эмас. Унинг “бегоналиги”га ўзбек тили учун хос бўлмаган, аниқроғи тилимиз учун бутунлай ёт бўлган “Ҷ” – ҳарф(тovуш)и ҳам “шама” қилиб турибди. “Ҷ” ҳарфи собиқ мустабид совет тузумининг руслаштириш сиёсати ўлароқ ўзбек тилига рус-кирил алифбосининг қабул қилдирилиши муносабати билан ўтган асрнинг 1940 йилида киритилган эди. Рус тилида қандай ёзилиб (*принцип*), қандай талаффуз қилинса (*принцип*) ўзбек-кирил алифбосида ҳам худди шундай қабул қилинган ва ҳанузгача ўзбек-кирил ёзуvida ҳам, радио-телевидение орқали узатилаётган эшиттириш ва қўрсатувлар нутқида ҳам шундайлигича қолмоқда.

Кўринадики, *тутум* сўзи *принцип* атамасининг маъносини англата олади, лекин *принцип* термини бу *тутум* маъносини жуда кўп ҳолларда ифода эта олмайди. Қиёсланг: қуйидаги шеърий мисраларда (1,2-мисоллар), оммабоп (3-





мисол) ҳамда илмий услуга (4-мисол) хос матнларда *тутум*, субут сўзининг қўлланишини:

- 1) Эй, дўст!// Ҳар битта оила – жамият ўзи,// Ҳар битта оила – бир давлат ўзи.// Оила ичида не *тутуминг* бор,// Ташда шу аслият – табиат ўзи. (Азим Суюн. Эй, дўст)
- 2) *Тутумларинг* ор-номус, таълим, миллат, субутлар// Кўрмасин сени ожиз миллат қурти – манқурлар (Бахтиёр Дониёров. Интил халққа тилаб ҳак)
- 3) *Халқимизда азалдан* ҳар қандай рақобат ҳалоллик *тутумлари* асосида бўлиши одатга айланган. *Минг йиллик тарихига* эга бўлган миллий спорт ўйинимиз кураш ҳозирга қадар ҳалоллик рамзи хисобланади (газетадан).
- 4) “Шайбонийхон кўп жиҳатлардан Амир Темур *тутумига* ихлос ва риоя билан қарап, жумладан, саройга олим ва шоирларни, санъат аҳлини тўплаб, ижодга тарғиб-ташвиқ этар эди” [6: 17].

Келтирилган мисолларда *тутум* ёки *субут* ўрнида принцип сўзини қўллаб бўлмайди. *Тутумни принципга* алмаштириш ушбу матнлар умумий семантикасининг бузилишига, ифода ғализлигига олиб келади. Сўзниг ноўрин қўлланиши натижасида реципиент (ўкувчи, тингловчи,) онгида ҳосил бўладиган ёқимсиз туйгуни ҳис қилиши мумкин.

Бу ҳолат *принцип* сўзининг ўзбек тилига тўлиқ ўзлашмаганлигини, унинг асосан термин сифатида денотатни фақат битта - ўз маъносида, ҳеч қандай маъно нозикликларисиз, услубий бўёқсиз, “қуруқ” ифода эта олишидан далолат бериб турибди. Демак, сўз лексик маъносини яхлит ва тўлиқ тасаввур қилиш учун унинг лексик қуршови, матн умумий семантикаси билан лисоний ва нутқий муносабатларга қай даражада кириша олишилигини ҳам инобатга олиш муҳим.

Тутум атамаси соф ўзбекча (қадим туркий) сўз бўлиб, у арабча *тамойил*, русча-байнаминал *принципдан* талаффузи, ёзилишининг қулайлиги, қўлланиш имкониятининг кенглиги билан ажralиб туради. *Принцип* ўрнида ўзбекча *тутум* бўла туриб, *тамойилни* маҳкам қўллаш ўтган асрнинг 90-йилларида район ўрнида қадим ўзбек(туркий) *туман* сўзи борлигини билатуриб, “Атамақўм қарори вожиб!” деб (атамақўм қарори тил қонуниятлари, жумладан, унинг системавийлиги, ривожланиши, сўз ўзлашиши қонун-қоидалари, тутумларига зид равишда қабул қилинган бўлсада), *ноҳияга* ёпишиб қолган тилшуносарнинг илмий етарлича асосланмаган субъектив қарашларини эслатади.[8, 3]





Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир сўзнинг лексик-семантик структурасини яхлит тасаввур этиш учун унинг асосий маъноси билан бирга нозик маъно кирраларини ҳам ажратиш, шу асосда, умумий ва фарқловчи семантик белгиларини аниqlаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Данияров Б. Х. Ўзбек тили лексик синонимларининг лисоний ва нутқий муносабати, лексикографик тадқики. Монография. - Тошкент: Сано стандарт, 2019. – Б. 171.
2. Данияров Б. Х. Проблемы лексической синонимии узбекского языка: Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. Монография. - Москва: Институт языкоznания РАН, 1994. –С. 80.
3. Данияров Б.Х. Исследование лексической синонимии, возникшей на базе заимствований в современном узбекском языке. Автореф. дис. ... кандидата филол.наук. М., 1993.
4. Данияров Б.Х. Контекстно-функциональный анализ как перспективная методика исследования семантической структуры лексических синонимов// Традиции и новации в профессиональной подготовке и деятельности педагога: сб. науч. тр. V Междунар. науч.-практ. конф. 23– 25 марта 2023 г. / под редакцией И.Д. Лельчицкого. – Тверь: ТвГУ, 2023. – Вып. 21. – 380 с. С. 208.
5. Данияров Б.Х. Шифокор – собственно узбекское, не заимствованное слово/ Тил ва адабиёт таълими илмий-методик журнали, Тошкент - 2023 йил, 3-сон. Б.57.
6. Қосимов Б., Жумахўжа Н. Ўзбек адабиёти: 10-синф учун дарслик // Масъул мұхаррир: Н. Ҳомидов / - 4- нашри. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёр-матбаа ижодий уйи, 2003. 448 б. Б. 17.

